



151300, Rishton shahar, B.Roshidoniy ko'chasi, 14-uy
Tel.: (8-373) 452-44-66. Faks.: 45- 21-551

151300, город Риштан, улица Б.Рошидоний, 14-дом
Тел.: (8-373) 452-44-66. Факс: 45- 21-551

2018 yil «31» 01

№ 202

Rishton shahri

**Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар
машиналар, кишлок хўжалиги машиналари, машина-трактор
парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини
2018 йил учун техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 347-сон «Кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 70-сон, 779-модда) асосан ҳамда «Кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 2472, 2013 йил 27 апрель), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 й., 17-сон, 229-моддаси) ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, (туман Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа ишлари ва ички ишлар бўлимидаги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникаси бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқларидаги кишлок хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини 1-иловага мувофиқ 2018 йил учун техник кўриқдан ўтказилсин.

2. Кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун йиллик техник кўриқдан ўтказиш учун туман ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўриқдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш туман "Ўздавтехназорат" инспекцияси кишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (М.Абдурахмонов)га юклатилсин.

5. Риштон тумани ҳокимининг 2017 йил 10 февралдаги 290-сонли "Тумандаги кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тўғриси"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Риштон ҳақиқати газетаси (З.Йигиталиев), ушбу қарор туман газетасида чоп этилсин ҳамда туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ш.Рустамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ғ.Мамадалиев